

“САХИХУЛ БУХОРИЙ” НИНГ ҚАДИМИЙ НУСХАЛАРИ

Қушшақов Ихтиёр Исройлович

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими

Даурбекова Ирода Туюновна

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7410046>

Аннотация. Уибу мақола Туркия Республикасидағи Нур Османия кутубхона фондида сақланыётган “Саҳиҳул Бухорий” асарининг бир неча қўлёзма нусхалари ҳақида маълумот ва тавсифлар келтирилган. Асарнинг колофони, ҳошиясида келтирилган тарихий маълумотларни таҳлили ҳам берилган. Машҳур нусхалар мұхаддис Юниний, Мақдисий, Марвазий, Күшмиҳоний номлари билан атталганинг сабаблари ҳам айтиб ўтилган. Шунингдек, Имом Бухорий ҳаёти ва илмий меросини асрраб – авайлаш, ўрганиши ва ёш авлод вакилларига ўргатилиши, динимиз моҳиятини тўғри тушуниши ҳамда унинг гоя ва таълимотларини халқимизга тўғри етказиш аҳамиятли жиҳатлари ёритилган.

Калим сўзлар: Мақдисий, Юниний, ҳадасана, ровий, санад, мұхаддис, мерос, илмий, колофон, изоҳ.

ДРЕВНИЕ КОПИИ “САХИХ АЛЬ-БУХАРИ”

Аннотация. В этой статье представлены подробности и описания ряда рукописей Сахиҳул Бухари, которые хранятся в библиотечном фонде Турции Нур Османия. Колофон работы и резюме исторических данных, представленных на полях, также включены. Также включены объяснения других имен одноименных реплик, таких как Мухаддис Юни, Макдиси, Марвази и Күшмихани. Кроме того, жизнь и научное наследие Имама Бухари были сохранены, переданы лидерам будущих поколений, поняты как основа нашей религии и поддержаны его идеями и учением для нашего народа.

Ключевые слова: Макдиси, Юнини, хадасана, рассказчик, санад, мұхаддис, наследие, наука, колофон, комментарий.

ANCIENT COPIES OF “SAHİHUL BUKHARY”

Abstract. This article offers details and descriptions of a number of *Sahihul Bukhari* manuscripts that are kept in Turkey's Nur Osmaniya Library Fund. The work's colophon and summaries of the historical data provided in the margin are also included. Also included are the explanations behind the eponymous replicas' other names, such as *Muhaddis Yuni*, *Makdisi*, *Marvazi*, and *Kushmikhani*. Additionally, Imam Bukhari's life and scientific legacy were preserved, passed down to future generation leaders, understood as the foundation of our religion, and supported by his ideas and teachings to our people.

Keywords: Makdisi, Yunini, hadasana, narrator, sanad, muhaddis, heritage, science, colophon, commentary.

Буюк аждодларимизнинг бой илмий, маънавий мероси дунё кутубхона фонд ва музейларининг ноёб дурданаларидан бири саналади. Машҳур фондлардаги қўлёзмалар орасида ҳадис илмининг сultonи Имом Бухорий қаламига мансуб “Саҳиҳул Бухорий” асарининг турли даврларда кўчирилган нусхаларини ҳам учратиш мумкин. Имом Бухорий бу асарни ёзишда улкан меҳнат самараси билан ўн олти йил давомида ёзил, мукаммал ҳолатга келтирган.

Асарнинг бизгача етиб келиш жараёни бир неча босқичларни босиб ўтган. Дастрлаб, Имом Бухорий хузурида “Саҳих”ни тинглаган бир неча ровийлар китобни бевосида муҳаддисдан қайд қилиб олган. Ровийлардан эса ўз навбатида толиби илмлар нусха қўчирган. Аста-секин ислом оламидаги мамлакатлари бўйлаб асарнинг турли қўлёзма нусхалари кенг тарқалиб борган.

“Саҳихул Бухорий”нинг ривоят тарихи ҳақида Имом Бухорийнинг шогирди муҳаддис аллома Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Юсуф Фирабрый (231/845320/922): “Мұхаммад ибн Исмоил Бухорий “Саҳихул Бухорий” дан ҳадис ривоят қилгандан тўқсон минг киши ҳадис тинглаган. Бу китобдаги ҳадисларни ривоят қилишга Имом Бухорий ва мендан бошқа бирор киши қолмади”, - деб ёзган. Имом Фирабрыйнинг маълумотига кўра, аллома узок умр кўргани, қўлидаги нусханинг тўлиқ ва асл эканидан далолат беради. Асарни Фирабрый нусхасидан кўплаб шогирд, муҳаддислар ҳадис ривоят қилган ва ундан нусхалар қўчирган.

Ислом манбашунослиги бўйича амалга оширилган кўплаб олимлар олиб борган тадқиқотларида “Саҳихул Бухорий” асарининг нусхалари мавжудлиги, уларнинг бир-биридаги фарқли жиҳатларини ёритиб берган. Дунё олимларининг тавсиф, матнлар таҳлили ва тадқиқотлар натижасида “Саҳихул Бухорий” асарининг дунё фондларидағи нусхалари Имом Бухорий яшаган даврга яқин бўлган нодир нусха борлиги аниқланган. Бугунги кунда “Саҳихул Бухорий” га олимлар томонидан кўплаб шарҳ ва ҳошиялар ёзилган ва ёзилмоқда.

Ушбу мақола Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази манбалар хазинасида сақланаётган “Саҳихул Бухорий” асар нусхаларининг электрон нусхалари мавжуд бўлиб, бу нусхаларнинг афзаллиги, фарқли жиҳати ҳақида маълумот беришни лозим топдик. Қўлёзманинг асл нусхалари Туркияning Нур Усмония кутубхонасида сақланмоқда. Мазкур кутубхонада “Саҳихул Бухорий”нинг 31 та нодир ва қадимий нусхаси мавжуд.

Асарнинг ҳозирга қадар аниқланган нусхалари орасида энг қадимий нусхалардан бири Нур Усмония кутубхонасида №687 рақам остида сақланаётган Мұхаммад ибн Абдумажид томонидан 669/1271 йилда қўчирилган нусхани тавсиф ва таҳлилини келтиришни лозим топдик.

Нусха тўлиқ, сатри 37 қаторни ташкил этади. “Боб”, “хаддасана” ва “сана” каби сўзлари қизил сиёҳда ёзилган. Мазкур нусхада матн тўрт бўрчак, тилла суви юритилган рамка ичига олинган бўлиб, асар боши зарҳал, нақшли унвон билан безатилган. Асарнинг ҳошияларида изоҳ, шарҳ, тўлдирмалар бор ва тарихий маълумотлари билан ноёб нусха ҳисобланади. Қўлёзманинг ҳажми 348 варакдан иборат.

Асарнинг 1^а варакдан басмала билан бошланган.

Асар боши:

بسم الله الرحمن الرحيم. و صلى الله على سيدنا محمد و آله و صحبه و سلم
كيف كان بداء الوحي إلى رسول الله صلى الله عليه وسلم و قوله جل ذكره انا اوحينا إليك كما اوحينا إلى نوح و
النبيين من بعده ...

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалламга ваҳийнинг бошланиши қандай бўлган? Аллоҳ таолонинг “Албатта, биз сенга Нуҳ ва ундан кейинги набийларга ваҳий юборганимиздек, ваҳий юбордик” [1: 163] деган сўзи.

Колофон 165^б варакда бўлиб, унда қўчирилган сана ва хаттоти қайд этилган.

هذا اخر كتاب صحيح البخارى و الحمد لله او لا و اخرا و صلى الله على سيدنا محمد و آله و صحبه و سلم في آخر اليونينية ما نصه بخط الاصل آخر الجزء و هو كتاب الصحيح الحمد لله و حده و صلواته على سيدنا محمد النبي الامي و على آله و صحبه الطيبين الطاهرين و سلامه أمين اللهم أمين نقله محمد بن عبد المجيد بن زيد في مدة آخرها يوم الاحد ثامن عشرى شهر رمضان المعظم من سنة تسع و ستين و ستمائة انتهى

“Хижрий 669 йил рамазон ойининг ўн саккизинчи (мелодий 1271 йил апрель ойининг йигирма тўқизинчи) куни ёзиб тугатилди”.

Нур Усмония кутубхонасида сақланаётган яна бошқа бир нусхаси Муҳаммад Абу Саъуд ибн Ҳасан ибн Али ибн Абу Бакр Баззорий томонидан китобат қилиниб, 855/1451 йилда кўчирилган. Асар тўлиқ, сатрлари 35 қаторни ташкил этади. “Боб” сариқ (зарҳал), “ҳаддасана” кўк, ва “ҳаддасани” сўзлари қизил сиёҳда билан ёзилган. Ушбу асар №689 рақам остида сақланмоқда. Қўлёзманинг ҳажми 357 варакдан иборат.

Асар 1^а варакдан басмала билан бошланган.


Асар боши:

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ، وَصَلَّى اللَّهُ عَلَى سَيِّدِنَا مُحَمَّدٍ وَآلِهِ وَصَحْبِهِ وَسَلَّمَ
كيف كان بدء الوحي الى رسول الله صلى الله عليه وسلم و قوله جل ذكره انا اوحينا اليك كما اوحينا الى نوح و
النبيين من بعده ... [689:1]

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ваҳийнинг бошланиши қандай бўлган? Аллоҳ таолонинг “Албатта, биз сенга Нуҳ ва ундан кейинги набийларга ваҳий юборганимиздек, ваҳий юбордик” [1: 163] деган сўзи.

Колофон 165^б варакда бўлиб, унда кўчирилган сана ва хаттоти қайд этилган.

تم جميع صحيح البخاري رحمة الله او رضى عنه و ارضاه بحمد الله و عننه و حسن توفيق و صلى الله على سيدنا محمد و الله و سلم. على اول عبيده و اوحجهم الى مغفرته و رحمته و رضوانه محمد ابو السعوed بن حسن بن على بن ابو بكر البزارى الشافعى عفا الله عنه و كان الفراغ من نسخة يوم الخميس بعد العصر الخامس شهر ربيع الاول سنة خمس و خمسين و ثمانى مائة لحسن الله عادها [689:357]



Туркияning Нур Усмония кутубхонасида сақланаётган “Саҳиҳул Бухорий” асарининг яна ноёб нусхаларидан бири хаттот Шараф ибн Шамсиддин Шарофиддин Ҳофиз Нажибий томонидан китобат қилиниб, 861/1457 йилда №700 рақам остида сақланаётган нусха мавжуд. Бу нусханинг “Боб”, “ҳаддасана” ва “санә” каби сўзлари қизил сиёҳда ёзилган. Мазкур нусхада матн тўрт бўрчак, тилла суви юритилган рамка ичига битилган бўлиб, асар боши зарҳал, нақшли унвон билан безатилган. Қўлёзма умумий ҳажми 855 варакдан иборат бўлиб, 27 сатрда кўчирилган. Асарнинг сўнги калофон қисмида муаллиф ва асар ҳақида маълумотлар батафсил аниқ рақамлар билан келтирилган.

Асар 1^а варакдан басмала билан бошланган.

Асар боши:


بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ، وَصَلَّى اللَّهُ عَلَى سَيِّدِنَا مُحَمَّدٍ وَآلِهِ وَصَحْبِهِ وَسَلَّمَ
كيف كان بدء الوحي الى رسول الله صلى الله عليه وسلم و قوله جل ذكره انا اوحينا اليك كما اوحينا الى نوح و
النبيين من بعده ... [700:855]

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ваҳийнинг бошланиши қандай бўлган? Аллоҳ таолонинг “Албатта, биз сенга Нух ва ундан кейинги набийларга вахий юборганимиздек, вахий юбордик” [1: 163] деган сўзи.

Асарнинг охри:

حدثنا احمد بن اشكاب قال حدثنا محمد بن فضيل عن عمارة بن القفال عن ابي زرعة عن ابي هريرة رضي الله عنه قال قال النبي صلي الله عليه و سلم كلمتان حبيبتان الى الرحمن خفيقان على اللسان ثقيلتان في الميزان سبحان الله و بحمده سبحان الله العظيم... [700:854]


Абу Хурайра розияллоҳу анҳу: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Тилга енгил, мезонда оғир, Раҳмонга суюкли икки калима: “Субҳаналлоҳи ва бихамdiҳi, субҳаналлоҳи азim”, дедилар.



Колофон қисмида асарнинг кўчирилган санаси ва кўчирган хаттоти ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

تم الكتاب الجامع الصحيح للإمام الحافظ مقتدى أهل الحديث ابى عبد الله محمد بن اسماعيل البخارى رضى الله عنه و ارضاه لاجل الصاحب الاعظم الراکم محب القراء و الصلاه على يد اقل عباد الله و احوجهم الى عفو الله تعالى و غفرانه الحاج شرف بن شمس الدين شرف الدين الحافظ النجبي امام يقعه الكرجيه ثالث شوال سنہ احادی و ستین و ثمانمائے [700:854]...

Мазкур асарни хаттот Шараф ибн Шамсиддин Шарофиддин Ҳофиз Нажибий томонидан 861/1457 йилда кўчирилган.



وَعَدْتُ قَرَأَتْ مِنْ حِسْنِ الْمُصْحِّحِ أَبِي عَبْدِ اللَّهِ الْبَخَارِيِّ كَانَ يَكْتُبُ بِشَمَالِهِ كَمَا يَكْتُبُ
بِرَبِّيْسِهِ وَنَفِلَ عَنْهُ أَنَّهُ قَالَ أَخْفَطَ مَائِنَةً الْفَحْدِيْثَ صَحِّحَ وَمَائِنَةً الْفَغْرِيْحَ وَأَخْرِيْتَ
مِنْ ذَهَابِ سِنَاهِ الْفَحْدِيْثِ وَصَنَفَتْهُ فِي سَنَةٍ عَشَرَ سَنَةً وَجَعَلَنَاهُ حِجَّةً فِي طَافِيْنِ
وَبَيْنَ زَبَرِيْ وَمَا وَصَنَعَتْ حِدَيْثًا لَا أَغْسَلَتْ قَبْلَ ذَلِكَ وَصَلَّتْ رَكْعَتَيْنِ وَلَدَّ يَوْمَ جَمِيعِهِ
بَعْدَ الصَّلَاةِ لِيَلِيْلِ عَشْرِ خَلْتُ مِنْ شَوَّالٍ أَرْبَعَ وَتِسْعَينَ وَهَارَدَ وَنَفِقَ فِي لَيْلَةِ الْفَطْرِ عِنْ لَمْلَمَةِ الْعَنَاءِ
وَدُفِنَ يَوْمَ الْفَطْرِ بِعِمَّ الْسَّبْتِ سَنَةٌ وَخَسِنَ وَمَائِنَةٌ فَمَدَّ جِوَاهِيرَتَانَ وَسِنَوَنَ
إِلَيْهِ مِائَةً وَعَشْرَ بِمَا وَقَبَنَ فِي وَحْيِهِ يَعْرِفُونَ تَذَكَّرَ بِهَا وَأَعْدَادُ أَحَادِيثِ الْمُصْحِّحِ سِبْعَةُ أَلْفٍ
وَمَائَتَيْنِ وَحَسْنَةٍ وَسِيَّعُونَ حِدَيْثًا قَبْلَ الْمُكَرَّرِ بِهَا تَعْمَلُهُ تَحْدِيدٌ وَعَيْلٌ أَنَّهَا
بِاسْقَاطِ الْمُكَرَّرِ أَرْبَعَةُ أَلْفٍ حِدَيْثٌ وَاللَّهُ سُبْحَانَهُ وَتَعَالَى أَعْلَمُ

وقد تقرر أن من صنف الصحيح الشيخ ابو عبد الله البخاري كان يكتب بشماله كما يكتب بيمينه نقل عنه انه قال أحفظ مائة الف حديث صحيح و مائة الف غير صحيح و اخرجت من زها ستمائة الف حديث و صنفته في ستة عشر سنة و جعلته حجة في ما بين و بين ربي و ما وضعت حديثا الا اغسلت قبل ذلك و صليت ركعتين ولد يوم الجمعة بعد الصلوة لثلاث عشر خلت من شوال اربع و تسعين و مائة و توفى ليلة الفطر عند صلوة العشاء و دفن يوم الفطر يوم السبت سنة ست و خمسين و مائتين فمدة حياته اثنان و ستون سنة الا ثلاثة عشر يوما و قبره في موضع يعرف بخرنات بخارا و اعداد احاديث الصحيح

سبعة الاف و مائتان و خمسة و سبعون حديثا و قيل المكرر منها تسعمائة حديث و قيل انها باسقاط المكررة اربعة الاف و الله [700:855] سبحانه تعالى اعلم

“Саҳиҳ”ни битган шайх Абу Абдуллоҳ Бухорий ўнг қўли билан ёзганидек, чап қўли билан ҳам ёза олиши аниқ исботланган.

Ундан ривоят қилинади: “Мен юз минг саҳиҳ ва икки юз минг саҳиҳ бўлмаган ҳадисни ёддан биламан. Уларни олти юз минг ҳадис орасидан ажратиб олганман. Уни (Саҳиҳул бухорий) ўн олти йил давомида ёздим ва ўзим ва Раббим ўртасида хужжат қилдим. Унга ҳадис киритишдан олдин ғусл қилиб, икки ракат намоз ўқир эдим”.


Имом Бухорий 194 йил шаввол ойидан ўн кечагина жума куни намоздан сўнг туғилиб, 256 йил Рамазон ҳайити кечаси хуфтон намози вақтида вафот этган ва Ҳайит куни дағн қилинган. У ўн уч куни кам олтмиш икки йил умр кўрди. Қабри Бухоронинг (ҳозирги Самарқанд) Хартанг номли мавзесида жойлашган. Саҳиҳул Бухорий асаридағи ҳадислар сони 7275 та. 900 та ҳадис тақорорланиб келган, деган фикрлар ҳам айтилган. Баъзилар: “Тақорорланадиган ҳадисларидан ташқари 4000 та ҳадис бор”, дейишган. Валлоҳу аълам.

Умуман олганда мазкур кутубхона фондида яна бир қанча 13-18 асрларга доир нусхалари сақланмоқда. Шунингдек, кутубхона фондида бир қанча юниний нусхалар ҳам сақланиб келмоқда.

“Саҳиҳул Бухорий” асари нусхасини энг кўп тарқалиши ва дунё бўйича муҳаддислар, шарҳ ёзувчилар ҳамда олимлар томонидан бирламчи манба сифатида фойдаланилган “Саҳиҳул Бухорий” асарининг “Юниний” нусхаси бўлади. Юниний нусхаси саккизинчи ҳижрий асрдан кейин етишиб чиққан барча муҳаддислар учун асос ва асл манба сифатида фойдаланиб келинмоқда. “Саҳиҳул-Бухорий” асарига шарҳлар ёзган машҳур муҳаддис олимлар Ибн Ҳажар Асқалоний, Бадриддин Айний, Қисталоний ва бошқалар томонидан тасниф этилган машҳур шарҳларда асосий манба Юниний нусхаси бўлган.


Юниний нусхасининг соҳиби Абу Ҳусайн Али ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абдуллоҳ Юниний 621/1224 йил Баълабакка (Дамашқ) номли шаҳарнинг Юниний қишлоғида муҳаддислар оиласида тўғилган. Муҳаммад Юниний муҳаддис, фақих, зоҳид ўз даврининг энг буюк муҳаддисларидан бўлиб, унинг отаси Тақийийиддин Юниний ҳам муҳаддис, ҳофиз, зоҳид сифатида эътироф этилган [6].

“Саҳиҳул Бухорий” асарининг Нур Усмония кутубхона фондида сақланаётган 1156/1743 йилда Али ибн Абдуллоҳ томонидан китобат қилинган юниний нусхаси мавжуд. Асар ҳажми 609 варакдан иборат бўлиб, №695 рақам остида саланмоқда. Мазкур нусхада матн тўрт бўрчак, рамкага олинган бўлиб, асар боши зарҳал, нақшли унвон билан безатилган. Асардаги “ҳаддасана”, “ахбарона”, “қавл”, “қўл” ва “боб” каби сўzlари қизил сиёҳда ёзилган. Асарнинг +1^{6-3^a} варакларида Абу Ҳусайн Али ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абдуллоҳ Юниний нусхасини тайёрлашда Абу Зарр Ҳаравийдан келган ривоятга асосанланган. Абу Заррга етиб келган бу санад Карима бинти Аҳмаддан бўлиб, у Кушмиҳонийдан ривоят қилган. Ҳамавай томонидан келган санад ҳам Кушмиҳоний, Мустамлий, Абу Зайд Марвазий ва Жиржонийлар ривояти асосида Муҳаммад Юнинийга етиб келганлиги [4: 1^{6-3^a}] ҳақидаги маълумотлар батафсил келтирилган [5: 14]. Асар “Иймон китоби” (Китабул иймон) дан бошланиб, “Тавҳид китоби” (Китобут тавҳид) гача тўлиқ кўчирилган.




“Саҳиҳул Бухорий” асарининг яна бир Юниний нусхаси 1121/1709 йилда хаттот Аҳмад ибн Али Халлоф Мануфий томонидан кўчирилган. Асар №701 рақамда сақланади ва қўлёзманинг умумий ҳажми 673 варақдан иборат. Нусханинг “Боб” сариқ (зарҳал), “ҳаддасана” кўқ, ва “ҳаддасани” сўzlари қизил сиёҳда берилган. Шунингдек, матн тўрт бўрчак, тилла суви юритилган рамка ичига битилган бўлиб, асар боши зарҳал, нақшли унвон билан безатилган. Ушбу нусха “Иймон китоби” (Китабул иймон) дан бошланиб, “Тавҳид китоби” (Китабут тавҳид) гача тўлиқ кўчирилган.

Асарнинг ҳошияларида изоҳ, шарҳ, тўлдирмалар келтирилган. Колофон қисмида асарнинг китобат қилинган санаси ва кўчирган хаттоти ҳақидаги маълумотлар келтирилган.



Асарнинг 674^a-675^b варақларида 695 рақам остида сақланётган нусха билан айнан ўхшаш. Мұхаммад Юниний нусхасини тайёрлашда Абу Зарр Ҳаравийдан келган ривоятга асосанланған. Абу Заррга етиб келган бу санад Карима бинти Ахмаддан бўлиб, у Күшмиҳонийдан ривоят қилган. Ҳамавай томонидан келган санад ҳам Күшмиҳоний, Мустамлий, Абу Зайд Марвазий ва Жиржонийлар ривояти асосида Мұхаммад Юнинийга етиб келган



Юниний нусхаси Абу Зарр ва Мақдисийлар томонидан күчирилган нусхалар бир хил бўлиб, олдинги мавжуд нусхаларни умумлашган ва мукаммал нусхасидир. Мухаммад Юниний “Юниний нусхаси”ни тайёрлашдан мақсади алоҳида ўзини янги нусхасини яратиш бўлмаган, балки олдинги ривоятларни ўзгартирмасдан уларга эргашиш, ҳарфлар, эъроблар, матнлар, замирлар, ровийларда мавжуд ноаниқликларни таҳрир ва тадқиқ этиш бўлган. Юқорида келтирилган нусхалар тартиби, фарқли жиҳатларини таҳлил қилганда, Имом Бухорий “Саҳиҳул Бухорий” ни таълиф этишда ҳадисларни бобларга тасниф қилиб, уларни фикҳий масалаларга мувофиқ тартиб билан келтирганки, бу ҳам ўқувчига китобдан фойдаланишда енгиллаштиради. Ҳар бир китобнинг ва бобларнинг аввалида оят ва шарҳларнинг келтирилиши ҳам ўзига хос бир услуг бўлиб, бу ўқувчининг фикр доирасини кенгайтиришга хизмат қилади. Имом Бухорий бу ҳадис тўпламини “Ваҳийнинг бошланиши” китобидан бошлаб “Тавҳид” китоби билан якунлагани ҳам бир ҳикмат бўлиб, ўқиш жараёнида эътиборли китобхон бу билан Имом Бухорийнинг нимага ишора қилаётганини пайқаб олади. Яъни, ислом дини ваҳий орқали нозил бўлиб, унинг асоси тавҳид (яккахудоликка эътиқод)дир. Имом Бухорийнинг илмий мероси даврлар оша ўз қадру қийматига эга бўлган ҳолда китобхонлар томонидан катта қизиқиш билан мутолаа қилиниб, тадқиқотчилар томонидан бу борада мунтазам илмий изланишлар олиб борилмоқда. Зеро, инсоният тараққиёти тарихида ўчмас из қолдирган мўътабар зотларнинг босиб ўтган ҳаёт йўллари ва асарлари ҳозирги кунга қадар ўз аҳамиятини йўқотмаган. Муҳаддис алломанинг ҳаёти ва илмий меросини асраб – авайлаш, ўрганиш ва ёш авлод вакилларига ўргатиш, динимиз моҳиятини тўғри тушуниш ҳамда унинг ғоя ва таълимотларини халқимизга тўғри етказиш бугунги куннинг долзарб мавзулариданdir.

REFERENCES

1. Абдулазиз Мансур Қуръони карим маънолари таржимаси “Нисо” сураси 163-оят
2. Абу Абдуллоҳ ибн Исмоил Бухорий “Саҳиҳул Бухорий” Нур Усмония кутубхонаси №689 1^a в
3. Абу Абдуллоҳ ибн Исмоил Бухорий “Саҳиҳул Бухорий” Нур Усмония кутубхонаси №700 855^a в
4. Абу Абдуллоҳ ибн Исмоил Бухорий “Саҳиҳул Бухорий” Нур Усмония кутубхонаси №609 1^b-3^a в

5. Аҳмад Муҳаммад Шокир “Оламул Кутуб” Миср; 2015. Б–14
6. Ибн Абдушакур Зарқий “Диросати ли ажубати ибн Ҳажар аъла интиқоди Дорақутний аъла Бухорий” Малайзия “Академии диросатил ислам” 2020
7. Ўша асар Нур Усмония кутубхонаси №700 854^a в
8. Ўша асар Нур Усмония кутубхонаси. № 689 357^b в